

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ ДИЛШОД МУРОДОВИЧ

**ЁШЛАРДА ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ХУЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ:
МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАРИ, САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Худойбердиев Дилшод Муродович

Ёшларда истеъмолчилик хулқининг шаклланиши: мазмуни ва шакллари, сабаблари ва оқибатлари 3

Худойбердиев Дилшод Муродович

Формирование потребительского поведения у молодежи: содержание и формы, причины и следствия 21

Khudoyberdiyev Dilshod Murodovich

The formation of consumer behavior among young people: content and forms, causes and consequences 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ ДИЛШОД МУРОДОВИЧ

**ЁШЛАРДА ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ХУЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ:
МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАРИ, САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal151 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чориев Санжарбек Анварович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бердимуратова Алима Карлыбаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Яздонов Улуғбек Тошмуротович
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____соат __даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) фалсафа ф.б.

Н.О.Сафарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда XX аср иккинчи ярми - XXI аср бошида содир бўлган янги глобал ўзгаришлар истеъмолчилик жамиятининг қарор топишига сабаб бўлди. Зеро, глобал иқтисодий юксалиш, постмодерн маркетинг коммуникациялари ривож, шахсни истеъмолга ундовчи таълимотлар глобализацияси истеъмолни шахс учун олий қадриятга айлантди. Мазкур омиллар айниқса ёшларнинг истеъмолчилик борасидаги ҳатти-ҳаракатини тубдан ўзгартирмоқда. Шу муносабат билан бугунги ёшлар истеъмолчилик хулқининг мазмуни, шакллари аниқлаш ва уни янги тенденциялар ҳамда ўзаро алоқадорлик қонунияти орқали бойитиб бориш масаласи тобора жиддий аҳамият касб этиб бормоқда.

Жаҳон илм-фанида кенг илмий жамоатчилик томонидан истеъмолчилар хулқи, маданияти билан боғлиқ фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, истеъмол мазмуни ва характери, шахс истеъмолчилик хулқининг ўзига хос хусусиятлари, унинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва руҳий омиллар билан боғлиқ тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги глобаллашув жараёнида шахс эгоистик истаклари, моддий ва маънавий эҳтиёжлари ҳажмининг ортиб бориши тадқиқотнинг ижтимоий заруриятини кучайтирмоқда. Шу нуқтаи назардан, аҳоли, хусусан ёшларда истеъмолчилик хулқининг шаклланиши, ўзгариши сабаблари ва оқибатларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан махсус илмий тадқиқ этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги туб ислоҳотлар давомида ёшларнинг баркамол бўлиб камол топишлари ва улар онгида истеъмолчилик хулқини янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки “ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади”¹. Баркамол ёшларни вояга етказиш учун эса, уларнинг хулқи ва маданиятини, хусусан истеъмолчилик хулқини юксалтириш омилларини аниқлаш заруриятини юзага келтирмоқда. Зеро, асрлар мобайнида ёшлар истеъмолчилик хулқи рационал ва этник мезонларга, нафсни жиловлаш, қаноатни пеша қилиш, сабр-тоқатли бўлиш, шукур қилиш туйғуларига таянган. Шу нуқтаи назардан, ёшларда истеъмолчилик хулқини шакллантиришнинг ижтимоий-маънавий механизмлари, тамойил ва қонуниятларини тадқиқ қилиш муҳим илмий муаммога айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 30 декабрь. № 276 (7778).

ПФ-1559-сон “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” фармонлари, шунингдек 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуи ижтимоий фалсафанинг катта аҳамиятга молик муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан у хорижда ва Ўзбекистонда турли ракурсларда тадқиқ қилинган. Хусусан, хорижда чоп этилган илмий манбаларда муаммонинг турли жиҳатларига эътибор қаратилган бўлиб, К.Маркс, А.Смит, П.Самуэльсон, Д.Нордхаус¹, И.Фишер, М.Фридман каби олимларнинг асарларида истеъмол назарияси хусусиятлари, истеъмол ва меҳнат жараёнининг ўзаро алоқадорлиги, истеъмолнинг шахс эҳтиёжи билан бевосита боғлиқлиги ўрганилган.

Тадқиқотчиларнинг бошқа гуруҳи муаммога ижтимоий-фалсафий ва социологик нуқтаи назардан ёндашади. Улар истеъмолчилик хулқининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, шахс ижтимоий мақоми билан боғлиқлигини очиб берадилар. Бу ўринда Г.Зиммель, Т.Веблен, Ж. Бодрийар, Ж.Гэлбрейтларнинг² илмий ишларини тилга олиш мумкин.

Яна бир тоифа илмий манбалар истеъмолчилик хулқини ижтимоий-психологик нуқтаи-назардан тадқиқ қилган илмий ишлардан таркиб топади. Хусусан, З.Фрейд, А.Маслоу³ асарларида шахсни истеъмол қилишга ундайдиган майлларнинг вужудга келиши сабаблари тадқиқ қилинган.

Шунингдек, муаммо тижорий нуқтаи назардан таҳлил қилинган илмий манбалар ҳам мавжуд. Масалан, Ф.Котлер⁴, Г.Силласте ва шу кабиларнинг илмий ишларида аҳоли эҳтиёжларига монанд маҳсулот ва хизматларни тезкор таклиф этиш масалалари ўрганилган.

МДҲ давлатларида ҳам кейинги йилларда мавзуга доир қатор диққатга сазовор илмий ишлар эълон қилинди. Жумладан, И.Важенинанинг илмий ишида шахс истеъмолчилик хулқи унинг эҳтиёжларига монанд равишда ўзгариб бориши исботланади, Е.Гариннинг мақоласида эса инсон эҳтиёжлари-

¹ Қаранг: Самуэльсон П., Нордхаус Д. Экономика.- М.:Вильяме, 2015.

² Қаранг: Гэлбрейт Дж. Новое индустриальное общество.- М.:АСТ,2004.

³ Қаранг: Маслоу А.Мотивация и личность.- СПб.: Евразия, 1999.

⁴ Қаранг: Котлер Ф. Основы маркетинга.- М.: Вильяме, 2007.

нинг иерархияси очиб берилади, Д.Ермаковнинг¹ илмий ишида истеъмолчилик хулқи инсон хулқ-атворининг шакли сифатида тадқиқ қилинади.

Мамлакатимизда ҳам XXI аср кишисининг истеъмолчилик хулқидаги ўзгаришлар турли позициялардан тадқиқ қилинган. Жумладан, тадқиқотчилар М.Зияева² ва Д.Тожибоеванинг илмий ишларида шахс истеъмолчилик хулқининг ижтимоий-иқтисодий аспекти, уни бошқаришнинг фалсафий, пси-хологик ва педагогик жиҳатлари очиб берилса, Ф.Халдибекова³, Х.Шайхова, Г.Тиллаева ва И.Шодиматовлар монографияларида шахс истеъмолчилик хулқи билан турмуш тарзи ўртасидаги алоқадорлик мавжудлиги асосланади.

Аммо шахс истеъмолчилик хулқи мазмуни ва хусусиятларини тадқиқ этиш масаласи кун тартибидан олингани йўқ. Айниқса, ёшларнинг истеъмолчилик хулқи моделларининг қарор топишига сабаб бўлаётган омил ва воситаларни ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан таҳлил қилиш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-173 рақамли “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшлар онгида истеъмолчилик хулқининг шаклланиши ва ундаги ўзгаришларни аниқлаш ҳамда муаммо ечими юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“истеъмолчилик хулқи” тушунчасининг фалсафий концептуал структураси ва моделларини аниқлаш;

истеъмолчилик хулқи шаклланиши жараёнини даврлаштириш орқали унинг турли даврлардаги амплуасини асослаш;

XXI асрда ёшлар истеъмолчилик хулқи мазмуни, хусусиятларини ўзгартирувчи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий сингари омилларини очиб бериш;

ижтимоий жараёнларни ёшлар истеъмолчилик хулқига таъсирининг позитив ва негатив оқибатларини таҳлил этиш;

Ўзбекистон ёшларида истеъмолчилик маданиятини юксалтиришнинг объектив ва субъектив омилларини аниқлаш ҳамда соҳага оид тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда замонавий ёшлар истеъмолчилик хулқи, унинг шаклланиш жараёни ташкил этади.

¹ Қаранг: Ермаков Д. Исследование потребителей и потребительское поведение // Право и государство: теория и практика, 2014, № С.144-154.

² Қаранг: Зияева М. Истеъмолчиларнинг хулқ-атворини бошқариш усуллари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2015, №6.

³ Қаранг: Халдибекова Ф. Соғлом турмуш тарзи - жамиятимиз тараққиётининг асосий омили.- Т.: Ўзбекистон, 2013.

Тадқиқотнинг предмети ижтимоий жараёнларнинг ёшлар истеъмолчилик хулқи шаклланишига таъсирини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, тизимлаштириш, таснифлаш, индукция, дедукция ва аналогия усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон шароитида инсон истеъмолчилик хулқининг “танловга мойил” ва “янгиликка мойил” истеъмолчи моделлари янги инсонни шакллантириш тамойили асосида очиб берилган;

ёшларда истеъмолчилик хулқининг динамик хусусиятлари ижтимоий омиллар таъсирида “узлуксизлик тамойили”га амал қилишига бўйсундирилганлиги ижтимоий меъёрлар талаби асосида исботланган;

жаҳон ҳамжамиятида содир бўлаётган ижтимоий жараёнларнинг ёшлар истеъмолчилик хулқига позитив ва негатив таъсири фалсафанинг умумий алоқадорлик хусусияти асосида очиб берилган;

шахс истеъмолчилик хулқи шаклланиши аграр, индивидуалистик, рационал, гедонистик, технологик, ахборот истеъмоли каби кўринишларда намоён бўлиши сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик сингари фалсафий категориялар ёрдамида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертациядаги шахс истеъмолчилик хулқининг концептуал структураси ва замонавий социумдаги моделлари ҳақидаги хулосалар муаммонинг Ўзбекистон шароитида намоён бўлиши хусусиятларини илмий констатация қилиш юзасидан методологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

илмий ишнинг замонавий ёшлар истеъмолчилик хулқи мазмуни, таркибий компонентлари, турли моделларига хос нюанслари тўғрисидаги хулосалари йигит ва қизлар орасида тегишли йўналишдаги маънавий-тарбиявий фаолият самарадорлигини такомиллаштириши бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

жаҳон ҳамжамиятидаги ижтимоий жараёнларнинг ёшлар истеъмолчилик хулқига позитив ва негатив таъсири ҳақидаги назарий хулосалар асосида йигит ва қизлар орасида амалга ошириладиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилган;

тадқиқот хулосалари асосида ёшларнинг истеъмолчилик маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган чоралар мажмуи ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотдаги илмий-назарий хулосалар, илгари сурилган гипотеза ва қарашларнинг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан далолатномалар тарзида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшлар истеъмолчилик хулқининг мазмуни ва шакллари, шаклланиши босқичлари, бугунги кунга хос бўлган моделлари

ҳақидаги илмий тасаввурларни бойитишга, замонавий ёшлар истеъмолчилик хулқининг ўзига хос жиҳатларини, йигит ва қизларнинг истеъмолчилик маданиятини юксалтириш масалаларини илм-фан позициясидан тадқиқ қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён этилган таклиф-тавсиялар, илгари сурилган ғоялар, назарий хулосаларнинг мамлакатимизда ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат кенгаши, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари амалий фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Истеъмолчилик хулқининг концептуал структураси ва моделларини, бугунги кун ёшлари истеъмолчилик хулқига хос бўлган хусусиятларни, ижтимоий жараёнларнинг ёшлар истеъмолчилик хулқига таъсири характерини тадқиқ этиш асосида:

“истеъмолчилик хулқи” тушунчасининг мазмунини ташкил қилган элементлар мажмуини ва истеъмолчилик хулқининг замонавий социумдаги моделларини аниқлашга оид таклиф ва тавсияларидан 2007-2011-йилларда бажарилган “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги ОТ-Ф8-022 рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳаси экспозициясини аниқлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 8 октябрдаги 89-03-3779-сон маълумотномаси). Натижада, шахс маънавий қиёфасининг сабр-тоқатлилиги, нафсни жиловлаш каби ўзига хос хусусиятларини ифодалаб беришга хизмат қилган;

ёшлари истеъмолчилик хулқининг мазмуни ва шакллари, ўзгариш сабабларини тадқиқ этишга доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан 2019 йил сентябрь ойида таълим муассасалари битирувчилари ва бандлиги таъминланмаган ёшларни касбга йўналтириш борасида ўтказилган “Таълим ва мутахассислик” мавзусидаги тадбир сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий Кенгашининг 2019 йил 4 октябрдаги 04-13/4563-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг бош мақсадини амалга оширишда назарий жиҳатдан илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилган;

Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларнинг ёшлар истеъмолчилик хулқига позитив ва негатив таъсирига оид илмий асосланган хулосалари, таклиф-тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан 2019 январь-февраль ва сентябрь ойларида ўтказилган “Ёшлар – бизнинг келажагимиз”, “Ўз болангни ўзинг асра”, “Огоҳ бўлинг: маънавий таҳдидлар” мавзуларидаги маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари дастури сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 9 октябрдаги 03/011-1363-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли ва ёшлар истеъмолчилик хулқини такомиллаштиришга хизмат қилган;

шахс истеъмолчилик хулқи шаклланиши жараёнининг периодизацияси, ҳар бир даврдаги амплуасига доир илмий хулосаларидан Қашқадарё вилоят

телерадиокомпаниясининг 2019 йил 29 январь куни эфирга узатилган “Мулоҳаза” ва 17 март куни эфирга узатилган “Шу куннинг мавзуси” номли кўрсатувлари, вилоят “Олтин воҳа” радиосининг 2019 йил 22 апрелда эфирга узатилган “Долзарб мавзу” номли эшиттиришининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 12 июлдаги 12-15-343-сон маълумотномаси). Натижада, кенг жамоатчиликка ёшлар истеъмолчилик хулқининг шаклланиши ҳақида маълумот беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот матнининг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган. Илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган. Изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Истеъмолчилик хулқи: ижтимоий-фалсафий таҳлил**” деб номланган биринчи бобида “истеъмолчилик хулқи” тushунчасининг мазмуни, таркиби ва эволюцияси таҳлил этилган.

Истеъмолчилик хулқи деганда шахснинг турли маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни истеъмол қилишдаги майлларини рўёбга чиқариш мақсадида табиий ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашган ҳолда амалга оширган саъй-ҳаракатлари йиғиндисини тушунамиз. Истеъмолчилик хулқининг асосий *хусусиятлари* қуйидагилардан иборат:

истеъмолчилик хулқи конкрет-тарихий характерга эга, у барча замонлар учун бир хил бўлган ягона мақсад ва барқарор манфаатга эга эмас; ижтимоий шарт-шароитлар, истеъмолчига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда воситалар ўзгарар экан, истеъмолчилик хулқининг мақсад ва вазифалари ҳам ўзгаради;

маълум бир даврда истеъмолчилик хулқининг бир эмас, жамият иерархияси, демографик аҳволи, синфий тузилиши, маданий савияси ва шу

кабиларга мутаносиб равишда бир неча моделлари ҳукм суради; мазкур моделлар ўзаро умумий ва ўзига хос элементлар йиғиндисидан таркиб топади;

истеъмолчилик хулқи муваққат, тез ўзгарувчан характерга эга; бирор маҳсулотга талаб туғилиши билан истеъмолчилик хулқида шу эҳтиёжни қондиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар вужудга келади, талабнинг йўқолиши унга мутаносиб интилишларнинг ҳам йўқолишига олиб келади;

истеъмолчилик хулқи рационаллик ва ҳиссийлик элементлари синтездан иборат, бироқ аксарият ҳолларда у истеъмолчининг ҳиссий эҳтиёжларини қондиришга йўналган бўлади;

истеъмолчилик хулқи таркибида қадрият сифатида тан олинган, оммавий истеъмол маҳсулотига айланган артефактларга эга бўлиш ҳаракатлари устувор аҳамият касб этади; оригинал ва такрорланмас маҳсулотлар ва хизматларни истеъмол қилиш кайфияти истеъмолчилик хулқида иккиламчи аҳамиятга эга;

истеъмолчилик хулқи ворисийлик принциpidан холи равишда ривожланади, чунки истеъмолчилик қадриятларини аждодлардан авлодларга трансляция қилиш механизми мавжуд эмас; унинг таркибидан жой олган эҳтиёжлар ва майллар системаси маълум бир даврдагина долзарб ва аҳамиятли бўлади, сўнгра ўрнини мутлақо янги эҳтиёж ва майлларга бўшатиб беради;

истеъмолчилик хулқи элементлари истеъмолчининг ҳаётий ва кундалик эҳтиёжларини қондиришига қарамасдан, унинг маънавий жиҳатдан юксалишига хизмат қилмайди, яъни шахс эътиқоди, фазилатлари ва хислатлари, фуқаролик ва ҳаётий позициясини ривожлантирмайди.

Профессор Ф. Котлернинг фикрига кўра,¹ истеъмолчининг у ёки бу маҳсулот, хизматни танлаш кўплаб маданий, ижтимоий, шахсий ва руҳий омиллар таъсирида амалга оширилади. Бу омиллар шахс истеъмолчилик хулқининг қуйидаги *шакллари*ни қарор топтиради:² 1) танловга мойил истеъмолчи; 2) мулоқотга мойил истеъмолчи; 3) янгиликка мойил истеъмолчи; 4) исёнга мойил истеъмолчи; 5) мақомини сақлашга мойил истеъмолчи; 6) етук истеъмолчи; 7) мақомини оширишга мойил истеъмолчи; 8) ўз қадриятларига мойил истеъмолчи; 9) ўз истакларига мойил истеъмолчи 10) тажрибага мойил истеъмолчи; 11) заруриятга мойил истеъмолчи; 12) яшаб қолишга мойил истеъмолчи.

Истеъмолчилик хулқи ўз *эволюцияси* давомида турли амплуаларга эга бўлган. Хусусан, қадимги дунёда умргузаронлик қилган одам боласининг истеъмолчилик хулқи энг оддий биологик эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган бўлса, ўрта асрларда у аграр характерга эга бўлди. Ренессанс даврида Шарқ кишисининг истеъмолчилик хулқи нафси жиловлаш, қаноатни пеша қилиш, сабр-тоқатли бўлиш, шукур қилиш туйғуларига бўйсундирилгани билан характерланса, Ғарб кишисининг истеъмолчилик хулқи индивидуалистик моҳияти билан ажралиб туради. Янги замон Ғарбда рационалликка асосланган истеъмолчилик хулқини қарор топтирди. Шарқдаги ижтимоий таназ-

¹ Қаранг: Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс.- М.:Вильямс,2007.

² Қаранг: Ермаков Д. Исследование потребителей и потребительское поведение// Право и государство: теория и практика, 2014, № С.144-154.

зул эса шахснинг ўрта асрларга хос истеъмолчилик хулқини сақлаб қолди. IX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи ярмида Ғарб кишиси истеъмолчилик хулқи амплуаси гедонизм ва истеъмолчилик кайфияти билан характерланса, Шарқ кишиси истеъмолчилик хулқи стандарт эҳтиёжларни қондиришга қаратилгани билан белгиланди.

Жаҳонда XX асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошлаган постиндустриал жамият шароитидаги иқтисодий ўсиш кенг оммага мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни харидорга етказиш билан шуғулланадиган савдо индустриясининг кенг қулоч ёйишига, бунинг оқибатида эса аҳоли барча табақаларининг моддий неъматлар истеъмолчиларига айланишига сабаб бўлди. Маркетинг коммуникациялари (реклама, жамоатчилик билан алоқа технологиялари, брендинг, паблисити, лояллик дастурлари, директ-маркетинг, ҳомийлик тадбирлари, харидга рағбатлантириш амаллари) ривожини, истеъмолчилик ва ҳузур-ҳаловатни улугʻловчи таълимотларнинг кўпайиши шахс истеъмолчилик хулқининг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Диссертациянинг биринчи боби юзасидан қуйидаги хулосалар чиқариш чиқарилган:

1. Истеъмолчилик хулқи истеъмолчининг турли маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни истеъмол қилишдаги майлларини рўёбга чиқариш мақсадида табиий ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашган ҳолда амалга оширган саъй-ҳаракатларидан таркиб топади.

2. Истеъмолчилик хулқи маданий, ижтимоий, шахсий ва руҳий омиллар таъсирида ўзгара боради.

3. Шахс истеъмолчилик хулқи ўз эволюцияси давомида турли амплуаларга эга бўлган.

4. Постиндустриал жамият шарт-шароитлари шахс истеъмолчилик хулқининг қуйидагича ўзгаришига сабаб бўлди: а) истеъмол психологияси шаклланди, истеъмол шахс учун олий қадриятга айланди; б) шахснинг ижтимоий мақоми, нуфузи у истеъмол қилаётган маҳсулотларга боғлиқ бўлиб қолди; в) шахс эҳтиёжлари билан молиявий имкониятлари орасидаги мутаносиблик йўқолди; г) шахс истеъмолчилик хулқи гедонистик характер касб этди; д) шахс истеъмолчилик хулқи конформистик хусусиятга эга бўлди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ёшлари истеъмолчилик хулқи ўзгаришининг сабаблари ва оқибатлари”** деб номланган иккинчи бобида, ёшлар истеъмолчилик хулқининг хусусиятлари, ижтимоий жараёнларнинг бу хусусиятларга таъсири сабаблари ва оқибатлари аниқланади.

Ёшлар истеъмолчилик хулқининг мазмуни қуйидаги асосий хусусиятларни ўзида мужассам қилади: 1) ёшларнинг истеъмолчилик хулқи шаклланиш жараёнида бўлган феномен ҳисобланади; 2) йигит ва қизларнинг истеъмолчилик позицияси беқарордир; 3) ёшларнинг истеъмол маҳсулотларини танлашда амал қиладиган принциплари ўзгарувчан бўлади; 4) ёшлар истеъмолчилик хулқи максималистик характерга эга; 5) ёшлар истеъмолчилик хулқида скептик ёндашув устуворлик қилади; 6) йигит ва қизларнинг янгиликларга, инновацияларга мойиллиги уларнинг истеъмолчилик хулқида ҳам ўз аксини топади.

Мамлакатимизда ва жаҳонда содир бўлаётган жараёнлар ёшлар истеъмолчилилик хулқини тубдан ўзгартирмоқда. Хусусан, *мамлакатимиздаги қуйидаги жараёнлар* йигит ва қизларнинг истеъмолчилилик хулқи характериға таъсир кўрсатди:

1. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятиға кўшилиши жараёни. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ажралмас қисмиға айлангани боис Ғарб мамлакатларига хос хулқ-атвор кўринишлари, хусусан истеъмолчилилик хулқи типлари, истеъмолчилилик руҳияти ва қадриятлари Ўзбекистонға кириб келди.

2. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида юз берган иқтисодий ўсиш. Иқтисодий ўсиш йигит ва қизларнинг, улар истиқомат этаётган оилаларнинг турмуш даражасини кескин ўзгартирди, ёшлар истеъмол қилаётган маҳсулотлар таркибига янгича тус берди.

3. Оммавий ахборот воситаларининг мисли кўрилмаган даражада ривожланиши ёшларни истеъмолнинг турли шаклларидан воқиф бўлишларига замин ҳозирлади.

4. Хорижий адабиёт ва санъат асарларига, бадий фильмларига эътиборнинг кучайгани. Ғарб мамлакатларида тайёрланган адабиёт ва санъат асарлари, турли бадий фильмлар ривожланган мамлакатларға хос бўлган истеъмолчилилик хулқини йигит ва қизлар онига сингдиришда жиддий роль ўйнамоқда.

5. Маънавий маданият маҳсулларининг истеъмол ва тижорат маҳсулотига айланиши. Жаҳонда моддийлик примати авж олган бир шароитда мамлакатимизда маънавий маданият элементлари ҳам тижорий тус олмоқда. Бу жараёнлар таъсири ўлароқ ёшлар китоб, фильм, суратни ҳам истеъмол маҳсулоти сифатида қабул қилишға кўникмоқдалар.

Жаҳонға хос бўлган кўпжаб жараён ва тенденциялар, турли минтақаларда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеалар ҳам йигит ва қизларимизнинг маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилиш борасидаги хулқ-атворида жиддий из қолдирмоқда. Ўзбекистон йигит ва қизлари истеъмолчилилик хулқи характерининг ўзгаришида хорижий мамлакатлардаги йирик концерн ва компаниялар, фирма ва корхоналарнинг турли минтақаларда ўз маҳсулотлари учун янги бозорлар очишға қаратилган саъй-ҳаракатлари, айрим сиёсий кучларнинг ўз мақсад ва манфаатларини тарғиб қилишда истеъмолға ундовчи ғоя ва таълимотлардан фойдаланаётгани ҳам жиддий омил вазифасини ўтади.

Ўзбекистонда ва жаҳондаги ижтимоий жараёнлар ёшлар истеъмолчилилик хулқиға, бир томондан позитив, иккинчи томондан эса негатив таъсир кўрсатди. Ижтимоий жараёнларнинг ёшлар истеъмолчилилик хулқиға таъсирининг *ижобий оқибатлари* ҳақида гап кетганда, энг аввало замонавий тенденциялар йигит ва қизларнинг истеъмолчилилик борасидаги хулқ-атворида янги ахборот воситаларига эга бўлиш, ахборот технологияларини ўзлаштиришға бўлган иштиёқни вужудға келтирганини, юқори сифатға эга бўлган маҳсулот ва хизматларға бўлган интилишни кучайтирганини, ўзга миллат турмуш тарзи ва маданиятиға хос бўлган маҳсулотларға қизиқишнинг пайдо бўлганини тилға олиш зарур.

Бироқ кишилик жамиятида содир бўлаётган ижтимоий жараёнларда инсонпарварлик ва маърифатпарварлик принциплари ҳамisha ҳам бирламчи аҳамият касб этмаслиги туфайли жаҳонда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг йигит ва қизларнинг истеъмолчилик хулқига *салбий таъсири* ошиб бормоқда. Хусусан, ижтимоий жараёнлар таъсирида ёшлар истеъмолчилик хулқида турли стереотипларга берилувчанлик қарор топмоқда, эҳтиёжлар билан имкониятлар орасидаги мутаносиблик бузилмоқда, моддий эҳтиёжлар устуворлиги кўзга ташланмоқда, иррационал эҳтиёжларни қондиришга интилиш кучаймоқда, гедонистик эҳтиёжлар устуворлик қилмоқда.

Иккинчи бобдаги мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосалар чиқарилган:

1. Ёшлар истеъмолчилик хулқи қатор ўзига хос атрибутларга эга.

2. Ёшлар истеъмолчилик хулқи Ўзбекистонда содир бўлаётган қуйи-даги жараёнлар таъсирида ўзгармоқда: а) мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши; б) иқтисодий ўсиш; в) оммавий ахборот воситалари ривож; г) хорижий адабиёт ва санъат асарларига эътиборнинг кучайгани; д) маънавий маданият маҳсулларининг истеъмол ва тижорат маҳсулотига айланиши.

3. Ёшлар истеъмолчилик хулқи жаҳонда содир бўлаётган қуйидаги жараёнлар таъсир кўрсатмоқда: а) йирик концерн ва компаниялар, фирма ва корхоналарнинг янги бозорлар очишга қаратилган саъй-ҳаракатлари; б) айрим сиёсий кучларнинг ўз мақсад ва манфаатларини тарғиб қилишда истеъмолга ундовчи ғоялар ва таълимотлардан фойдаланаётгани.

4. Ўзбекистонда ва жаҳонда содир бўлган жараёнлар ёшлар истеъмолчилик хулқига қонуний равишда ва мунтазам, позитив ва негатив таъсир кўрсатиб борди.

Диссертациянинг “**Ўзбекистон ёшлари истеъмолчилик маданиятини юксалтириш йўллари**” деб номланган учинчи бобида ёшлар истеъмолчилик хулқида мавжуд бўлган камчиликлар ва иллатларни бартараф этиш йўллари хусусида мулоҳаза юритилган ва қатор амалий тавсиялар илгари сурилган.

Ижтимоий воқеликнинг ўзи турли ижтимоий жараёнлар таъсирида йигит ва қизларнинг истеъмолчилик хулқида юзага келган нуқсонларни бартараф этиш, уларнинг истеъмолчилик маданиятини юксалтириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Истеъмолчилик маданияти – шахснинг истеъмол билан боғлиқ билимлари, қадриятлари, нормалари ва принциплари йиғиндиси. Ёшлар истеъмолчилик маданиятини юксалтириш вазифаси ечими шахс эҳтиёжлари масаласига бориб тақалади. Чунки истеъмолчилик хулқи энг аввало шахснинг эҳтиёжлари ва майлларига таянган саъй-ҳаракатлар йиғиндиси. Ушбу манбанинг ўзгартирилиши, унга оқилона тус берилиши ўз-ўзидан йигит ва қизлар истеъмолчилик маданиятининг ҳам юксалишига сабаб бўлади. Йигит ва қизларда *рационал эҳтиёжларни шакллантириш* учун *қуйидаги чораларга* алоҳида эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Йигит ва қизларнинг эҳтиёжлари динамикасини мониторинг қилиб боровчи таркибий тузилмани шакллантириш зарур. Мазкур тузилманинг фаолияти, бугунги кун ёшларининг эҳтиёжлари мазмуни, шакли ва характерини муфассал аниқлаш, ундаги ўзгаришларни қайд қилиб бориш, ёшлар эҳтиёж-

лари билан имкониятлари ўртасидаги мутаносиблик даражасини таҳлил қилиш имконини яратади.

2. Оқилона эҳтиёжларни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ижтимоий институтлар тарбиявий фаолиятининг алоҳида йўналишига айлантириш лозим. Бизнинг жамиятимизда турли ижтимоий институтлар ёшлар онги ва фаолиятига жиддий тарбиявий таъсир кўрсатиб келмоқда. Лекин йигит ва қизларда оқилона эҳтиёжларни шакллантириш вазифаси мазкур тарбиявий таъсир жараёнининг алоҳида йўналишига айлангани йўқ.

3. Ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган чораларнинг ҳам йигит ва қизлар истеъмолчилик маданиятини юксалтиришга бевосита даҳли бор. Йигит ва қизларнинг доимий иш билан таъминланиши уларнинг эҳтиёжлари билан молиявий имкониятлари орасидаги мутаносибликни мустаҳкамлаган бўларди. Бундай мутаносиблик ёшлар истеъмолчилик маданиятини юксалтиришда қудратли омил вазифасини ўтайди.

4. Ёшларнинг меҳнат жамоаларидаги мақомини ошириш чораларини кўриш керак. Ёшлар мақомининг ўсиши суръатлари эҳтиёжларининг ўсиши суръатларидан ортда қолмоқда. Бу борада мутлақ мутаносибликка эришишнинг имкони йўқ, албатта. Лекин йигит ва қизларнинг меҳнат жамоаларидаги мақомини, уларга бўлган эътиборни ошириш орқали уларнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятларини кенгайтириш мумкин.

5. Ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш билан боғлиқ тадбирларга системавий тус бериш керак. Бугунги ёшлар эҳтиёжлари системасида маънавий эҳтиёжлар бирламчи аҳамият касб этаётгани йўқ. Маънавий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилаётган маданият муассасалари фаолиятидаги нуқсонлар мавжуд вазиятни янада чигаллаштирмоқда.

Ёшлар истеъмолчилик маданиятини юксалтириш учун оқилона эҳтиёжларни шакллантиришнинг ўзи кифоя қилмайди, албатта. Бунинг учун йигит ва қизларнинг меҳнат (ёки таълим) фаолиятини, маиший турмушини, ижтимоий фаолиятини, одатлари характерини, фикрлаш тарзини ўзгартириш зарур бўлади. Бошқача айтганда, истеъмолчилик маданиятининг шаклланиши ёшлар турмуш тарзи билан диалектик алоқадордир. Чунки инсон хулқ-атвори, тафаккури, муомаласи мақсадга мувофиқ кадриятлар системасига таянмас экан, унинг истеъмолчилик маданияти ҳам паст даражада бўлади. Бинобарин, йигит ва қизларнинг истеъмолчилик маданиятини янги босқичга кўтариш учун уларнинг *турмуш тарзини ўзгартириш*, сифатан янгилаш тақазо қилинади. Биз бу вазифалар, уларни бажариш учун *амалга оширилиши зарур бўлган чоралар* туркумига қуйидагиларни киритамиз:

1. Ёшларда соғлом одат ва кўникмаларни тарбиялаш вазифаси ханузга қадар ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ёшлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган иллатларнинг бартараф этилиши, соғлом одат ва кўникмаларнинг шакллантирилиши соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг бирламчи омили саналади.

2. Мавзуга бағишланган тарғибот ва маърифий ишларни кучайтириш керак. Соғлом турмуш тарзи тарғиботи самарасининг оширилиши, унинг

мазмунига доир маърифий ишларнинг жонлантирилиши йигит ва қизлар ҳаёти ва фаолияти сифатини яхшилашда қўл келади.

3. Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун уларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиш керак. Ушбу муаммонинг ҳал қилиниши йигит ва қизларни соғлом турмуш тарзига ундаш учун ҳам реал имкониятларни яратган бўлар эди. Чунки ўз бўш вақтини маънавий камолот учун сарфлашга одатланган йигит ва қиз жузъан соғлом турмуш тарзи асослари билан танишишга, соғлом одат ва кўникмаларни ўзлаштиришга ҳам вақт топади.

4. Овқатланиш маданиятини ривожлантириш керак. Йигит ва қизлар овқатланишининг илмий мезонлар асосида ташкил қилиниши соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қўйилган муҳим қадам бўлади. Боз устига, юксак овқатланиш маданияти ёшларни турли маҳсулотларни соғлом эҳтиёжлар асосида танлашга, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга кўниктиради.

5. Йигит ва қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига доимий тус бериш керак. Ривожланган мамлакатларда ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг саъй-ҳаракатлари билан жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш умумхалқ ҳаракатига айланиб улгурган. Жойлардаги мавжуд спорт инфраструктурасини оммавий фойдаланиладиган тузилмага айлантириш, уларни самарали ва оқилона тарзда бошқариш борасида ҳам аҳамиятли тажрибалар жамланган. Мазкур тажриба ва натижалар ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг тегишли йўналишидаги саъй-ҳаракатларимизнинг пировард мақсади бўлмоғи даркор.

6. Ёшларда позитив тафаккурни шакллантириш керак. Ёшлар соғлом турмуш кечиришлари учун биринчи навбатда позитив тафаккур юритишлари лозим. Позитив тафаккур ҳаётга оптимистик ёндашиш, гуманистик мақсадларга интилиш, шахсий эҳтиёжларни тўғри аниқлаш ва уларни оқилона йўллар билан қондириш, турмуш кечиришнинг соғлом йўллари танилаш имконини беради.

Диссертациянинг учинчи боби юзасидан қуйидаги хулосалар чиқарилган:

